УДК 370,1: 681.142.37: 371,3

БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МЕЗОН ВА МЕЪЁРЛАРНИНГ ЎРНИ

Б.М. АБСАТТОРОВ

Мақолада ахлоқий мезон ва меъёрнинг ўзгарувчанлик хусусияти ва ёшлар тарбиясида мезон ва меъёрнинг уйғунлиги ҳамда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг тутган ўрни таҳлил этилган. Ёш авлодни тарбиялашда халқимизнинг бой, миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган ташкилий, замонавий педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши ёритилган.

Калит сўзлар: *ахлоқий норма, мезон, меъёр, ёшлар, тарбия, оила, соғлом муҳит, бунёдкор ғоялар, баркамол авлод.*

В статье анализируется изменчивость нравственных критериев и норм гармония в образовании молодежи, а также роль духовно-нравственных критериев и норм в воспитании подрастающего поколения как гармонично развитой личности. Разработка и внедрение в воспитание подрастающего поколения организационных, современных педагогических форм и инструментов, основанных на богатых национальных, культурных, исторических традициях, обычаях и общечеловеческих ценностях нашего народа.

Ключевые слова: *нравственная норма, критерий, норма, молодежь, воспитание, семья, здоровая среда, творческая идея, гармонично развитое поколение.*

Мустақиллик шарофати туфайли миллий-маънавий меросимизга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Йиллар давомида шаклланиб келган аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маънавий бойлик изчил ўрганила бошланди. Бу ҳақда биринчи Президент Ислом Каримовнинг шундай фикрлари бор: “Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик” [1. Б. 35]. Мана шу бой меросни чуқур таҳлил қилиб, ҳаётга татбиқ этиш ва ўсиб келаётган янги баркамол авлод тарбиясида ундан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Биз эндиликда ёшларимизни ҳар томонлама етук, баркамол, соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Аммо ёшларимиз орасида ҳаёт синовларига бардош беролмай ўзини турли иллатларга қурбон қиладиганлар кўпаймоқда. Уларнинг баъзи бирлари ҳар қанча насиҳатлар берилмасин, барибир танлаган йўлларидан қайтмай, жамиятда мудҳиш ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳар бир ёш оила қуришдан олдин ўзини оилага, ота-она бўлишдек масъулиятли вазифани бажаришга тайёрламоғи бу ўринда иродали, меҳнатсевар, инсон қадрини биладиган, оилани қадрлайдиган, уни қадрига етадиган шахс бўлиб етишмоғи лозим. Зеро, биз тарбиялаётган ёшлар келажаги буюк давлатимизнинг фахридирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш белгиланган [2]. Ишлаб чиқилган “Йўл хариталари”нинг ижроси ва Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар жадаллик билан амалга ошириб борилмоқда. Шу билан биргаликда, яқин истиқболда мамлакатимиз таълим тизимини янги босқичга кўтариш, ривожланган дунё таълим тизимлари билан рақобатлаша оладиган ҳамда юртимиз нуфузини жаҳонга янада танитишда зарур бўлган инновацион ғояларни акс эттирувчи кўплаб дастур ва лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилмоқда ва умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни ҳуқуқий, маънавий, маданий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигига “Ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш” [3] вазифаси юклатилган бўлиб, бугунги кунда бу вазифа ва фаолият йўналишлари агентликнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Ёшлар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бевосита иштирокчисига айланиб, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат билан ёндашувчи, янгича дунёқараш эгаси бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Ёш авлодни тарбиялашда халқимизнинг бой миллий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган ташкилий, замонавий педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама бағрикенг қилиб камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш, умумий ҳамда педагогик маданиятини ошириш, мамлакатимиз фуқаролари орасида маърифий ишларни такомиллаштириш оила тарбиясининг асосий мақсадидир.

Бу мақсад бола тарбиясида оилага қуйидаги вазифаларни юклайди:

- бола тарбиясида оилада соғлом муҳит бўлиши, миллийлик ва ўзбекона турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўла олиши, фарзандда ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлиш

- дунёвий билимларга эга бўлишларига кўмаклашиш;

- замон талабларига мос бўлган касб-ҳунарга эга бўлишларига кўмаклашиш;

- болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишлари учун шарт-шароит яратиш;

- болаларни мустақил фикрловчи ва ўз дунёқарашига эга бўлишлари учун уларни миллий ғоя ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

- болалар бўш вақтларини унумли ташкил қилиш;

- болалар ўз истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиш;

- фарзанд тарбиясида оила, маҳалла ва мактабнинг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

- ота-онани фарзанд таълим- тарбиясидаги “бешинчи устун” бўлишига кўмаклашиш;

оилада болаларни касбий кўникма, тежамкорлик ва ишбилармонликка ўргатишнинг маънавий-ахлоқий томонларини таҳлил қилиш;

- ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларини тўлақонли бажариш.

Оиладаги соғлом муҳитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Баъзан жаҳл чиққанда бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда масъуллик ота-онанинг оила олдидаги бурчидир. Оилада

фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ўғил бола ота, қиз бола она юмушларини енгиллаштиришда кўмакдош бўлиши зарур. Боғбон умид билан ниҳол эккани каби, ота-она ҳам эзгу умид билан фарзандини дунёга келтиради, ардоқлаб ўстиради. Дарахтнинг ширин-шакар меваларидан баҳраманд бўлишни орзу қилган боғбондек, ота-она ҳам ўз фарзандини ақлли, меҳнатсевар, билимли, жамиятимиз тараққиёти учун ҳалол меҳнат қилувчи, маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш учун бор кучи ва имкониятини сарф этади. Юсуф Хос Ҳожиб айтадики, оилавий тарбия болаларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиришда энг асосий нарсадир. “Мабодо болаларнинг хулқ-атвори ёмон бўлса, бунда гап болада эмас, ота айбдор” [4. Б. 233].

Глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада жиддий тус олади. Ушбу жараённи ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига асосий эътиборни қаратмоқчимиз. Ижтимоийлашув жараёнининг кенг кўламли омили ҳисобланган социал муҳитнинг асосий агентлари, оила, таълим, тенгдошлар билан муносабат, оммавий ахборот воситалари ва уларнинг фаолиятини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. Шу ўринда ушбу ижтимоийлашув жараёнининг илк агенти оилага эътибор қаратамиз. Оила жамиятнинг энг кичик бўлаги ҳисобланади. Жамиятимизда оилаларининг никоҳ асосида қурилиши, фарзандлар тарбиясига бўлган эътибор, ахлоқ асосига қурилган (эр-хотин муносабатлари) фарзандлар тарбиясида ва уларнинг ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Маънавий юксалиш, ахлоқий поклик ҳукмрон жойда ғаразларга, жиноятларга ўрин қолмайди. Чунки бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири бу таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар ёки аниқланган бўлса-да, охиригача бартараф этилмаган муаммолардир. Маълумки, айнан мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиш даврида олинган таълим-тарбия, тенгқурларидан иборат муҳитнинг таъсири ўсмирлар учун баъзи ҳолларда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг панд-насиҳатларидан кўра кучлироқ ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Оилаларимизда фарзандларимиз ахлоқий тарбиясига эмас, балки бадан тарбияси ҳамда фикр тарбиясига катта эътибор қаратилади. Фарзандларни маънавий ва моддий неъматлар билан таъминлашни асосан ота-оналар ўз гарданларига оладилар. Фарзандларнинг муаммоларини ҳал қилишда ота-оналарнинг фикрлари ҳисобга олинади. Бу ҳам оиланинг мавқеини янада мустаҳкамлайди. Оилага бўлган эътибор давлат сиёсатининг асосий марказида туради. Давлат ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ҳам фарзандлар тарбиясига бўлган эътибор ётади. Шахс ижтимоийлашувининг асоси сифатида оила глобаллашув жараёнида ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандлар тарбияси, уларнинг тўғри йўлдан бориши, ватанпарвар, ҳалол, инсофли, ҳаёли, меҳрли, диёнатли, эътиқодли, содиқ бўлиши каби фазилатларни улар онгига сингдириш ва шу эзгу мақсад йўлида доимо ҳаракатда бўлиш лозим. Демак, оила бирламчи агент сифатида ўз фаолияти билан фарзандларимизнинг ахлоқий тафаккурини шакллантирувчи пойдевор ҳисобланади.

Фарзанд тарбиясида оиланинг узвий ҳамкори таълим тизими ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёни ёшларимизни маънавий жиҳатдан юксалтирувчи асосий омил саналади. Ўзбекистондаги таълим соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ёшларимизнинг жамиятга қўшилиб боришларида, уни ривожлантиришларида муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия жараёни орқали жамиятдаги ҳолат, дунёнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манзараси ҳақида ўқитиб, ўргатиб борилади. Таълим соҳасини ривожлантириб бориш, билимли, илм-фанга қизиқувчи ёшларнинг кўпайиши тўғри йўлдан оғишмай боришнинг асоси ҳисобланади. Аммо таълим тизимида муаммолар ҳам мавжудлигини айтиш лозим. Таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун тинимсиз, узлуксиз маблағ ажратилиб, сарфланяпти. Аммо ҳали лаборатория, интернет, компьютерлаштириш, биноларни тўлиқ таъмирлаш ишлари тўлиқ ечимини топгани йўқ. Шу билан

биргаликда мутахассис кадрлар муаммоси ҳам мавжудлигини айтиш лозим. Бу ҳолат таълимнинг сифатига таъсир кўрсатади. Глобализация жараёнида иштирок этувчи ёшларнинг бўлаётган жараёнларга ижодий ёндашишида, мулоҳаза қилишида таълимнинг ўрни беқиёслигини кўриб турибмиз. Қолаверса, глобал муаммолар ечимини топишда энг асосий ечим манбаи ҳам таълимдир.

Биз фарзандларимиз яхши инсон бўлишини хоҳлаймиз – аксини эмас. Шундай экан фарзандимизнинг дўстлари, тенгдошларининг хулқ-атвори бизни қизиқтиради. Атрофидаги фазилатлар албатта фарзандимиз хулқ-атворига, ахлоқий тафаккурига ижобий таъсир қилгани каби унинг атрофидаги кишиларнинг хулқ-атворидаги иллатлар ҳам бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Жамиятга зарар келтирувчи иллатларнинг олдини олишда ёшларимизни маълум маънода назорат қилишни ўз зиммамизга олишимиз зарур. Чунки ҳозирги куннинг глобал муаммоларидан бўлган гиёҳвандлик, ОИТС каби ечимини топиш мураккаб бўлган касалликка чалинувчиларнинг аксариятининг бу йўлга кириб қолишига сабаб яқин тенгдошлари бўлса, иккинчи сабаби назоратсизлигидир. Демак, ёшларимизнинг ким билан дўст бўлиши, ким билан доимий муносабатда бўлишидан хабардор бўлишимиз ҳам глобал муаммоларнинг олдини олишимизга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Ёшларимиз дунё ҳақида, асосан оммавий ахборот воситалари орқали маълумотга эга бўлишади. Интернет ҳам асосий ахборот базаси сифатида фаолият кўрсатади. Аммо ғарб маданиятига асосланган баъзи кўрсатув ва сайтлар борки, булар ахлоққа зиддир. Бу эса ёшларимизнинг ахлоқига, дунёқарашига салбий таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, қуйидаги фикрни илова қилишни ўринли деб биламан. Яъни, телевидение сериаллар билан тўлиб тошганлигига ҳам салбий фикр билдириш мумкин. Чунки ёшларнинг асосий вақтларини телевизор кўришга сарфлаши таълимнинг сифатига таъсир қилади. Бу бир тарафи, матбуот-газета ва журналларда бериладиган маълумотларнинг ҳам саёзлиги ёшларимиз фикрлаш доирасига салбий таъсир қилади.

Соғлом ақл-идрок эгаси бўлиб, турмуш аччиқ-чучугини тотган, турмушда тажриба кўрган инсон учун ўз синфи доирасида, кўпчилик ҳаёт тажрибасида синаб кўриб, эътироф этган, маъқуллаган ҳодисалар, одоб-ахлоқ нормалари қатъий ҳаёт қонунидек туюлади. Кўпчилик томонидан маъқулланган одоб-ахлоқ нормаларининг бирор шахс томонидан тушунмай ёки қайсарлик билан бузилиши, унга хилоф иш тутилиши ёки кўпчиликка номаълум сўз айтилиши бошқа кишиларнинг норозилигига сабаб бўлади. Инсоннинг ахлоқий, хулқий камчиликлари, бу инсоннинг ички кечинмалари билан боғлиқ хусусиятлар бўлиб, бу ахлоқий фазилатлар ва ахлоқий муносабатлар орқали намоён бўлади. Чунки ахлоқ, аввало, ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада академик Э.Юсупов: “Ахлоқ инсоннинг конкрет шароитларда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил баҳо бериши, уларга нисбатан ўз муносабатини билдириши ҳамдир, - дейди. Умуман, ахлоқ ижтимоий муносабатлар заминида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир. Ахлоқ йўқ жойда инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқ заминидагина кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади, жамият олдидаги бурчи ва масъулияти, бахт, диёнат, яхшилик ва ёмонлик, ёвузлик, ҳақлилик ва ноҳақликка нисбатан муайян муносабат шаклланади” [5. Б. 38].

Оилада ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий муҳит соғлом бўлса, боланинг онги яхшилик, меҳр-оқибат, ор-номус, самимият, тўғрисўзлик каби муқаддас тушунчаларни қамраб олади. Ота-онага, Ватанга ва атрофдаги барча инсонларга ҳурмат бурчини чуқур англаш одамийлик фазилатидир. А.Авлоний эса тарбия доирасини кенг тарзда мушоҳада қилиб, уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. А.Авлоний тарбияни қуйидагича тасвирлаб беради: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” [6. Б. 37] деб катта баҳо беради.

Чунки Авлоний масаланинг фалсафий асосига кўчади. Масалан, у тана ва руҳнинг узвий бирлиги ҳақида гап очади: “Бадан тарбиясининг фикрлар тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккаласи бир чопоннинг ўнг ила терс томони кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устуни қўюб, астарини ювиб оввора бўлмоқ кабидирки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур” [6. Б. 39]. Шундай экан, жисм ва руҳ шакл билан мазмуннинг узвий бирлиги ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласи жуда муҳим ва мураккабдир.

Жамиятимиз аъзолари ҳисобланган ёшлар маънавий қиёфасига давлатнинг олиб бораётган сиёсати, миллатнинг, халқнинг урф-одати, эътиқодининг ҳам таъсири беқиёс. Ҳозирги кунда олий таълимнинг замонавий илғор ғоялари билан бирга минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятлардан ҳам фойдаланиш, дунёвий тарбия билан диний тарбиянинг маълум жиҳатларини уйғунлаштириш орқали иймонли, эътиқодли инсонларни тарбиялаш муҳим. Н.Г.Чернишевский “Бадбашаранинг – гўзаллик, золимнинг – одиллик, ўлиб бораётганнинг – ҳаёт ва ҳокимият, мунофиқнинг – оққўнгиллик даъво қилиши кулги чиқаради”, дейди [7. Б. 31]. Мазкур фикрлар жамият ва кишилар ёш авлодга ҳаёт ҳодисалари ва ривожланиш қонунини ўзи яшаб турган, турмушда яратган мақол, ҳикматли сўзлар орқали ҳам насиҳат қилиб таълим бериб келишига ишорадан далолат беради.

Ҳозирги тезкор асримизда бўлаётган маънавий, ғоявий таҳдидлар парокандаликларга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида ёшларимизда инсонийлик, меҳр-оқибат, самимийлик каби маънавий фазилатларга путур етиши мумкин. Айниқса, ёшлар ўртасида ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келувчи омиллардан бири – бу оммавий ахборот воситалари, айниқса, Интернет тармоғи орқали тарқатилаётган айрим ахборотларнинг салбий таъсиридир. Баъзи ҳолларда, улар томонидан фуқароларни қонунни ҳурмат қилишга, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилмасликни тарғиб этиш ўрнига қонунчилик ва ахлоқ меъёрларини менсимаслик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки ўз хизмат вазифасини бажараётган бошқа ташкилотлар ходимларига қаршилик кўрсатилишини оқлашга ҳаракат қилиш, айрим жиноятчи шахслар ёки гуруҳлар, уларнинг шахсини улуғлашга қаратилган маълумотларнинг тарқатилиши ўсиб келаётган ёш авлод онгида жиноятчи шахсларга ўхшаш, уларнинг кўриниши ва турмуш тарзига тақлид қилиш каби зарарли одатлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Маънавий меросни ёшлар онгига сингдиришда қобилиятли педагогларнинг ўрни беқиёсдир. Улар албатта самимий, инсонпарвар, кенг маълумотли педагогик фаолиятга лаёқатли, ўқувчилар, талабалар билан тил топиша оладиган бўлиши, шу билан бирга миллий ғоянинг тарғиботчиси бўлишлари зарур. Ёшларда билимга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишимиз, улар онгига билим ҳар қандай муаммонинг калити эканлигини, билим олгани сари инсон етуклик сари илгарилаб боришини сингдиришимиз керак. Хусусан, таълим тизимида талаба ёшлар онгига шундай фикрни сингдиришимиз керакки, қандай мақсадларга эришиши уларнинг иродали, билимли, фидокор, меҳнатсевар ва тарбияли бўлишига боғлиқ эканлигини ўзлари англаб етсинлар. Бунёдкор ғояларни ўз вақтида уларнинг онгига сингдириш, Ватанимиз равнақи, ёшларимиз бахт-саодатининг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун биз Ватанимиз равнақи йўлида муносиб билим ва тарбияга эга бўлган, ҳалол, пок, меҳнатсевар, ўз ишини мустақил бажара оладиган иродали ёшлар бўлишимиз бугунги кун талабидир.

Ҳозирги замон цивилизациясининг асосан “Ғарб жамиятларида намоён бўлаётган тенденцияларидан бири жамият маънавий-ахлоқий негизларининг деградацияси билан боғлиқ” [8. Б. 111]. Ривожланган мамлакатларда жамият маънавий-ахлоқий негизларининг емирилишига, энг аввало, жаҳондаги демографик вазиятнинг ўзгариши замин ҳозирлади.

Оммавий муҳожирлик Ғарб мамлакатларининг миллий маданиятига кучли таъсир ўтказди ва ўтказаётир. “Миллат тарихи, дини, қадриятларига муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Масалан, Ғарб цивилизациясининг маънавий-ахлоқий негизларини, миллий

онгнинг мазмунини белгилаб берган христиан динига зид бўлган қадрият ва анъаналар илдиз отмоқда" [8. Б. 113]. Бунинг оқибати ўлароқ, ахлоқ норма ва принципларига мутлақо зид бўлган ҳолатлар (бир жинсли оилалар, эркак ва аёл проституцияси, порнографик сурат ва фильмлар намойиши, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи китоблар, фильмлар ва қўшиқлар) фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилмоқда. Танқидий назария тарафдорлари турмуш тарзининг бундай кўринишларига лоқайд қарашни, миллийликдан ажралиб қолган аллақандай умумий маданиятга хайрихоҳликни зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатларга қарши курашишда миллий тарбияга бўлган эҳтиёж тобора ортиб боради. "Миллий тарбия миллат вакилларига, айниқса, унинг ёшларига миллий мерос, урф-одат, анъана ва ахлоқдаги энг илғор хусусиятларни, қадриятларни сингдириш, ўзлигини англатиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъулликни онги ва қалбига сингдириш, миллий заминлардаги бой мерос асосида маънавий бойитиш борасида олиб бориладиган амалий фаолият йўналишидир" [9. Б. 187].

Ишдаги ютуқ ва муваффақиятлар нафақат ақлимиз, билим даражамиз, аввало, ахлоқий маданиятимизнинг, маънавий етуклигимизнинг ўзига хос синови саналади. Беруний таъкидлаганидек, "инсон ақлга мувофиқ бўлиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг чеки йўқ ва ҳамма билимларни тез эгаллаш мумкин эмас. Шунинг учун инсон ўзи билан олган нарсалар билан кифояланиб қолмайди, балки доимий равишда янги билимларни ўрганишга интилиши керак. Унинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш каби қобилиятлар соҳибидир" [10.Б.21]

Хуллас, биринчидан, маънавий комилликка элтувчи ахлоқий фазилатлар инсоннинг инсон эканлигини кўрсатувчи мезон сифатида қадрлидир. Ўрни келганда у жамиятни таназзулга учратиши ва ё аксинча гуллаб-яшнаши учун муҳим омил бўлиши мумкин. Инсон ўз-ўзини англаб, ҳақиқатни топиши учун ҳолати ўзгариши, яъни ботиний покланиши зарур. Бу эса ахлоқий масалаларни энг олдинги ўринга суриб чиқаришга сабабчи бўлади. Гўзал ахлоқли бўлиш бу инсоннинг юксак фазилатларидан биридир. Иккинчидан, инсон ахлоқи тубанлашувига сабаб бўладиган ички ва ташқи омилларни эҳтиёткорлик билан тарбиялаш инсоннинг комил инсон бўлиб етишишидаги биринчи ва муҳим қадамидир. Ушбу биринчи қадам яхши ахлоқий фазилатларни сингдиришгина эмас, балки инсондаги ёмон деб аталган иллатлардан қутулмоқлик йўли ҳамдир. Чунки салбий ахлоқий иллатлар бор жойда яхши фазилатларнинг қарор топиб камол топиши амримаҳолдир.

Адабиётлар:

1. *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 41 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. [Интернет манба]. URL: https: // lex.uz. (Мурожаат этилган сана: 2.10.2021)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 2020 йил 30 июнь. [Интернет манба]. URL: https: // lex.uz (Мурожаат этилган сана: 5.10.2021)

4. *Ҳожиб Ю.Х.* Қутадғу билик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 634 бет.

5. *Юсупов Э.* (1998) Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – 272 б.

6. *Авлоний А.* (2006) Танланган асарлар: 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 304 б.

7. *Чернишевский Н.Г.* Полное собрание сочинений. В 4-х томах. Т.1. – Москва: Искусство, 1974. – 165 с.

8. *Qaxxarova M., Absattorov B.M.* Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards // The Light of Islam,2020. Issue 1. – Pp. 111–115.
9. *Отамуротов С.* Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 204 б.
10. *Тўрақулов Э., Раҳимов С.* Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи 1992. – 21 б.

THE ROLE OF SPIRITUAL AND MORAL CRITERIA AND NORMS IN THE EDUCATION OF HARMONIOUS GENERATION

B.M. Absattorov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57) 22-29.
[1]Tashkent State Pedagogical University, Tashkent, 100070, str., Bunyodkor, 27 (Uzbekistan). E-mail: new.tdpu@uz
Keywords: moral norm, criteria, norm, youth, upbringing, family, healthy environment, creative ideas, harmoniously developed generation.

The article analyzes the variability of moral criteria and norms and the harmony of criteria and norms in the education of young people, as well as the role of spiritual and moral criteria and norms in the upbringing of the younger generation as a harmoniously developed personality.

Development and implementation in the upbringing of the younger generation of organizational, modern pedagogical forms and tools based on the rich national, cultural, historical traditions, customs and universal values of our people.

Development and implementation of organizational, modern pedagogical forms and vocabularies based on the rich, national traditions, customs and universal values of our people in the upbringing of the younger generation, Improving the educational work among the citizens is the main goal of the family educator.

The spiritual, ideological threats we face in our current fast-paced world can lead to chaos. As a result, it can undermine the spiritual qualities of our youth, such as humanity, kindness, and sincerity. In particular, one of the factors contributing to the formation of antisocial behavior among young people is the negative impact of the media, especially some of the information disseminated through the Internet.

In the upbringing of children, the education system is an integral part of the family. The educational process is an important factor in the spiritual development of our youth. The ongoing reforms in the field of education in Uzbekistan also play an important role in the integration and development of our youth. Through the educational process, the situation in society, the social, economic, social landscape of the world is taught. The development of the education system, the increase in the number of educated and interested young people in science is the key to staying on the right path. But it should be noted that there are also problems in the education system. In order to strengthen the material and technical base of the education system, unceasing, uninterrupted funds are allocated and spent.

In the process of globalization, this article takes a more serious turn. With this process in mind, we want to focus on the process of socialization of young people. We try to highlight the agents of the social environment, family, education, peer interactions, media vocations, and their activities, which are a broad factor in the socialization process. At this point, we focus on the family, the first agent of this socialization process. The family is the smallest part of society. In our society, the construction of families in marriage, the focus on the upbringing of children, the upbringing of children based on morality (couple relationships) and the formation of their moral qualities.

References:

1. Karimov, I.A. (2000) *Milliy ictiqlol mafkuraci xalq e'tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir* [The ideology of national independence is the belief of the people and confidence in the great future]. Tashkent: Uzbekistan.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 oktyabrdagi PF-6097-sonli "Ilm-fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyacini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni. (2020) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 29, 2020 PF-6097 "On approval of the concept of development of science until 2030"]. [Online]. URL: https:// lex.uz. (Date of access: 2.10.2021).

3. O'zbekicton Recpublikaci Prezidentining "O'zbekicton respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini tubdan isloh qilish va yangi bosqishga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni. (2020) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically reform the state youth policy in the Republic of Uzbekistan and bring it to a new level". June 30, 2020]. [Online]. URL: https:// lex.uz. (Date of access: 5.10.2021)

4. Hojib, Y.H. (2019) *Qutadg'u bilik* [Qutadgu knowledge]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

5. Yusupov, E. (1998) *Inson kamolotining ma'naviy asoslari* [The spiritual bases of Human maturity]. Tashkent: Universitet.

6. Avloniy, A. (2006) *Танланган асарлар* [Selected Keys]. In 5 volumes. Vol.2. Tashkent: Ma'naviyat.

7. Chernishevsky, N.G. (1974). *Polnoe cobranie cochinenij* [Complete collection of works]. In 4 volumes. Vol.2. Moscow: Ickusstvo.

8. Qaxxarova, M., Absattorov, B.M. (2020) Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*. Issue 1. Pp. 111-115.

9. Отамуротов, С. (2008) *Globallashuv va millat* [Globalizatsion and nation]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

10. To'raqulov E., Rahimov S.(1992) *Abu Rayhon Beruniy ruhiyat va ta'lim-tarbiya haqida* [Abu Rayhan Beruni on psyche and education]. Tashkent: O'qituvchi.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБСАТТОРОВ Бахтиёр Мамарасулович – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мустақил изланувчиси. Маънавият асослари ва ҳуқуқий таълим кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: mr.absattorov@mail.ru